

# "Қизилқұм фосфорит комплекси" масъулияти чекланған жамиятида хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раислигига сайлов үтказилди

<https://pda.uzkymyosanoat.uz/uz/manaviyat/tilimiz-boyligimiz/qizilqum-fosforit-kompleksida-xotin-qizlar-boshlangich-tashkiloti-raisligiga-saylov-utkazildi>



"Қизилқұм фосфорит комплекси" масъулияти чекланған жамиятида хотин-қизларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларни тизимли давом эттириш мақсадида жорий йилнинг 21 июнь куни МЧЖ директори Фаррух Самадов ҳамда «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси маслаҳатчиси – хотин-қизлар кенгаши раиси Санобар Абдурахманова бошчилигига хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раислигига сайлов үтказилди. Очик овоз бериш йўли орқали үтказилган сайловда уч нафар номзодлар ичидан Содиқова Насиба Халиловна хотин-қизлар кенгаши раислигига сайланди.

